

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

79 Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тарти- би тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси-
нинг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Дав-
лат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон
қарорини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2015 йил 1 январдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар
учун, шунингдек фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставка-
си 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлиги маълумот учун қабул қилин-
син.

2. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжа-
ликлари бундан мустасно, 2015 йил 1 январдан бошлаб ягона ижтимоий
тўловни белгиланган ставка бўйича, бироқ ҳар бир ходимга энг кам ойлик
иш ҳақининг 65 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблайдилар.

Фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловни белгиланган став-
ка бўйича, бироқ ҳар бир ходимга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан
кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаш тартиби сақланиб қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар
ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу
қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига
юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 13 февраль,
26-сон